

IV БОБ. Мавзу -10

ДАЛАЛАРНИ ҲИМОЯ (ИХОТА) ЛАЙДИГАН ЎРМОН ДАРАХТЛАРИ ЧИЗИМИ

Режа

1. Ўрмон дарахтлари чизимининг аҳамияти
2. Ҳимоялайдиган ўрмон дарахтлари чизимини жойлаштириш лойиҳасини ишлаш учун керакли материаллар

1. Ўрмон дарахтлари чизимининг аҳамияти

Ўрмон дарахтлари чизимининг экинлар ҳосилдорлигини оширишга бўлган таъсири, унинг ҳимоялайдиган ерда микроқлим шароитини яхшилаш, шамолнинг тезлигини пасайтириш, экинларни қурғоқчилик ва «гаримсел» дан сақлаши, тупроқ юзасида буғланиш ва экинлар барги орқали транспирация жараёнини пасайтириши билан аниқланади.

*Ўрмон дарахтлари чизими юзада сув оқимини тўсади, шамол ва сув эрозиясини пасайтиради, экинларни чанг бўрондан сақлайди. Буларнинг ҳаммаси натижада экинлардан мунтазам керакли ҳосил олишни таъминлайди. Мавжуд маълумотларга кўра (А.М.Каратун) дарахтлар ўтқазуви билан ҳимояланган ерларда пахтанинг ҳосилдорлиги ҳимояланмаган ерларга нисбатан
10 – 30 % юқори.*

Кўп ҳолатларда чизимлар таркибига мевали дарахтлар ва бута ўсимликлар киритилади, бу эса хўжаликка кўшимча фойда келтиради. Булардан ташқари дарахтларни кесиб – парвариш қилиш натижасида улардан қурилиш ва буюмлар тайёрлаш учун сифатли ёғочлар ҳам олинади. Ўтказувлар ичида фойдали ҳайвонлар ва паррандалар кўпаяди. Демак, ҳимоялайдиган ўрмон дарахтлари чизимини ташкил этиш билан инсон ўрмон ва дала кўшилмасидан иборат манзара барпо қилади. Бу ерда табиатнинг салбий таъсири камаяди. Дарахтлар чизимининг табиатни муҳофаза қилиш ва атрофда қулай шароит яратишдаги роли юқорида айтилганлардан иборат.

Қишлоқ хўжалигида ўрмон дарахтлари чизимининг юқори даражада самарали бўлиши кўп жиҳатдан унинг жойда ҳудудни ташкил этишнинг бошқа элементлари билан биргаликда тўғри жойлашуви билан боғлиқ.

Ўрмон дарахтлари чизимини барпо қилиш катта харажатлар билан боғлиқ ва узоқ муддатли хизматга мулжалланади. Шунинг учун дарахтлар чизимини жойлаштиришда жойнинг табиий шароити аниқ ҳисобга олинган бўлиши лозим. Жойлаштиришда йўл қўйилган хатони кейинчалик тузатиш қийин, қўшимча катта маблағ сарфлашни талаб қилади.

Ҳайдалма ерларда ҳимоялайдиган ўрмон
дарахтлар чизими қуйидаги хилларга
бўлиниши қабул қилинган:

1. - далаларни ҳимоялайдиган ўрмон дарахтлари
чизими;
2. - сув оқимини тартибга соладиган ўрмон дарахтлари
чизими;
3. - дара (балка) ва жарлик олди ўрмон дарахтлари
ўтқазувчи.

Жойнинг табиий шароити, хўжалик ерининг хусусиятини ҳисобга олиб айтилган дарахтлар чизимининг барчаси жойлаштирилиши мумкин ёки улардан бирини жойлаштирилса кифоя




-Масалан, текислик ерларда ўрмон дарахтлари ўтқазуви далаларни шамолнинг салбий таъсиридан сақлаш учун жойлаштирилади. Рельефи мураккаб бўлган, эрозияга хавфли ерларда эса дарахтлар чизимининг барчаси жойлаштирилиши мумкин.

2. Ҳимоялайдиган ўрмон дарахтлари чизимини жойлаштириш лойиҳасини ишлаш учун керакли материаллар


Ҳимоялайдиган ўрмон дарахтлари чизимини жойлаштириш билан боғлиқ бўлган ҳудудни ташкил этиш лойиҳасини юқори сифатли қилиб ишлаш учун хўжалик ҳудудининг рельефи, тупроқ шароити, унинг эрозияга хавфлилиги, зарар етказадиган шамол (иссиқ – гаримсел, чанг – бўрон ва бошқа) ларни чуқур ва атрофлича ўрганиш лозим.

Хўжалик ерининг у ёки бу қисмини нимадан ҳимоялаш кераклигини билмасдан туриб, дарахтлар ўтқазувини тўғри жойлаштириш мумкин эмас. Демак, ҳимоялайдиган ўрмон дарахтлари чизимини тўғри жойлаштириш лойиҳасини ишлаш учун қуйидаги нисбатан янги ва аниқ материаллар керак:

- ❑ хўжалик ерининг рельефи тасвирланган плани;
- ❑ тупроқ қидируви материаллари;
- ❑ тупроқ эрозияси харитаси; зарар етказадиган маҳаллий шамолларнинг тавсифи;
- ❑ уларнинг йўналишлар бўйича такрорланиши;
- ❑ ҳарорат ҳақида, ёғинлар ҳақида,
- ❑ қор қатламнинг қалинлиги ва сақланиш муддати ҳақидаги маълумотлар.



<p>Дарахтлар чизимини жойлаштириш лойиҳасини ишлашда зарар етказди-ган шамоллар ҳақидаги етарли даражада ишончли бўлмаган маълумотлардан фойдаланиш, унда хатоликка йўл қўйилишига сабабчи бўлади.</p>
<p>Баъзида лойиҳа-ни ишлашда шамолнинг йўналишлар бўйича такрорланишини тавсифловчи (ўртача йиллик ёки мавсум бўйича) умумий маълумотлардан фойдаланилади.</p>
<p>Бу ҳам дарахтлар ўтқазувини жойлаштиришда хатога йўл қўйиш учун сабабчи бўлади, чунки зарар етказадиган шамолларнинг йўналиш бўйича такрорланиши ўтиш муддати ва бошқа кўрсаткичлари уни тавсифлайдиган умумий маълумотларга ҳамма вақт ҳам мос бўлавермайди.</p>

- 
- ❑ Дарахтлар чизимини жойлаштириш лойиҳасини ишлашда юқорида айтилган материал ва маълумотлардан ташқари, хўжалик худудини ўрмон дарахтлари ўтқазувини жойлаштириш билан боғлиқ ташкил этиш учун уни чуқур ўрганиш талаб қилинади.
 - ❑ яъни, ўрмон мелиоратив дала қидирув ишлари олиб бориш талаб қилинади.
 - ❑ Қидирув ишларини ўтқазуш жараёнида махсус ўрмон мелиоратив қидирув чизмаси тузилади, чизмада ҳар – хил ўрмон дарахтлари ўтқазувининг албатта жойлаштирилиши керак бўлган ёки жойлаштириш лозим бўлган ерлар кўрсатилади, дарахтлар ўтқазуви билан биргаликда гидротехник иншоотларни жойлаштириш лозим бўлган жарликлар чўққиси ҳам кўрсатилади.
 - ❑ Қидирув ишларини ўтқазуш жараёнида маҳаллий аҳолининг, айниқса кексаларнинг бой тажрибасига амал қилиш тавсия этилади.

Ўрмон дарахтлари чизимининг хиллари ва уларни жойлаштиришда ҳисобга олинмаган талаблар жойнинг рельефи ва иқлим шароитидаги хусусиятлар таъсирида ҳар – хил бўлади.

Шуни ҳисобга олиб ўрмон дарахтлари ўтқазувини, биринчи навбатда текис ерларда, сўнгра эса, нисбатан катта қияликлар, дара (балка) ва жарлик олди ерлар мисолида жойлаштириш тартибини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**ЭТИБОРИНГИЗ
УЧУН РАХМАТ!!!**